

АХБОРОТ ТАРҚАТИШДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ ОРАСИДАГИ АЙРИМ ЖИХАТЛАР

Маҳфуза Мухторова Саидмурод қизи

Журналист

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7151710>

Аннотация: Мақолада телевидение ва интернет сайтларида ахборот тарқатишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Масалан интернет сайтларида ахборот тарқатишдаги устунлик тезкорликда кўриниши айтиб ўтилади. Телевидениенинг информацион дастурлари орқали ахборот тарқатишда эса ишончли хабарларни тақдим этиш мумкин. Шунингдек, мақолада ахборот тарқатишда давлат ташкилотлари бу жараёнга тайёр бўлиши керак, дея қўшимча қилинган.

Калит сўзлар: интернет, ОАВ, ахборот, тезкорлик, телевидение, телеканал, сайтлар, медиа, тўртинчи ҳокимият, холислик, принцип.

Аннотация: В статье рассказывается об особенностях распространения информации на телевидении и интернет-сайтах. Например, на интернет-сайтах говорится, что преимущество в распространении информации появляется быстро. А при распространении информации с помощью телевизионных информационных программ можно обеспечить достоверные новости. В статье также добавлено, что при распространении информации государственные организации должны быть готовы к этому процессу.

Ключевые слова: Интернет, СМИ, информация, скорость, телевидение, телеканалы, сайты, медиа, принцип.

Annotation: The article talks about the peculiarities of the distribution of information on television and Internet sites. For example, on Internet sites it is said that the advantage in the distribution of information appears quickly. And when disseminating information through television information programs, it is possible to provide reliable messages. The article also added that when disseminating information, state organizations should be prepared for this process.

Keywords: internet, media, Information, speed, television, television, sites, media, impartiality, principle.

Глобаллашув пайтида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи жуда катта бўлмоқда. Албатта, бу ахборотнинг ҳар қандай тури эмас, ишончли, холис ва очиқ-ошкора ахборотлардир. Ўзбек аудиторияси бугунги кунга қадар турли ахборотларни кўриб, эшитиб улгурди. Ҳақиқатан ҳам янгиликлар истеъмолчиларини ҳеч қандай нохолис ахборотлар билан

чалғитиб бўлмайди. Ҳатто давлат бюджети ёки турли ташкилотларнинг ички маълумотларини ҳам жамоатчилик вакиллари ҳеч бир қийинчиликсиз топа олиши мумкин бўлмоқда. Бу жараёнларда ахборот истеъмолчисига интернет катта қўмакчи бўлмоқда. Интернет бугун миллиардлаб маълумотларни ўзида сақлайдиган рақамли база бўлиш билан бирга йирик коммуникация воситаси ҳам саналмоқда. Айни пайтда у ахборотни тезкор тарқатиш борасида интернет энг олд ўринни эгаллайди. Интернет барча соҳада жумладан ОАВнинг ҳам янги шакли бўлиб шаклланди.

Медиа олами ҳақида сўз борар экан, ижтимоий тармоқларда билдириладиган қарашларни четлаб ўтиб бўлмайди. Боиси бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ҳақиқий журналистик вазифаларни тўлиқ бажара оладиган, медиа бозорида алоҳида ўрнига эга бўлиб улгурган сайтлар, муаллифлар (блогерлар ҳам) бор. Улар қаторига биринчилардан бўлиб, информацион сайтлардан “kun.uz”, “daryo.uz”, “gazeta.uz”, “podrobno.uz”, “uza.uz” кабиларни келтириш мумкин.

ОАВ хусусан интернет аҳолига тезкор ва холис ахборотни етказиши турли ташкилотлар мутасаддиларининг очик ва ошкора фаолият юритиши жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Зеро бу демократик принципларнинг муҳим омили саналади. Ахборот сиёсати, ОАВ фаолиятига тўхталганда, давлат ташкилотлари раҳбарлари орасида замонавий, кенг фикрлайдиган кадрларнинг бўлиши жуда муҳим эканини таъкидлаш жоиз. Бу ислохотларнинг асосини, тизимли бўлишини таъминлайди. Айниқса, қонунлар ишлаб чиқиладиган ҳамда уларнинг амалга ошишини назорат қилувчи муассасада бундай раҳбар кадрларнинг бўлиши қувонарли. “kun.uz” сайтида эълон қилинган мақолада Адлия вазирининг 2021 йил 12 март куни Олий Мажлис Сенатининг 13-ялпи мажлисида ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳақида ахборот бергани келтирилади. Унда Русланбек Давлетовнинг “Ахборот халқни юксакликка етаклайди” сўзлари сарлавҳа сифатида келтирилган. Бинобарин, аҳолининг ахборот олишга бўлган интилиши қанча юқори бўлса, ушбу жамиятнинг давлат қурилишидаги фаоллиги юқори бўлади. Бу айнан демократик принципларнинг ҳам асоси ҳисобланади.

Шунингдек, унда вазир ахборот тўғрисида тарихий маълумотларни, ахборот олиш учун тезкор, арзон бўлиши кераклиги, интернет тўғрисида тўхталади. Хусусан: “Интернет Ўзбекистонда қиммат. Интернет арзонлиги бўйича Ҳиндистон биринчи ўринда – 1 гига байт интернет 9 цент. Учинчи ўринда Қирғизистон –2 минг сўм. Қозоғистон эса 1 гигабайт интернет 6

минг сўм экани билан дунё бўйича олтинчи ўринда турибди. Биз эса 16 минг сўм нарх билан 54-ўринда турибмиз. Ёки интернет тезлиги бўйича ҳам худди шундай, 128-ўриндамиз. Бизда 100 мегабайт видеороликни юклаб олиш учун 10 дақиқа вақт кетяпти. Яъни бу жараёнда Ўзбекистонда ахборот тарқалиши ўз-ўзидан секинлашяпти. Бу дегани биз хоҳлаётган маълумот етарли даражада одамларга етиб бормаяпти. Ўзбекистонда аҳолининг интернет қамрови 51 фоиз ва бу жуда кам. Бутун дунё мисолида оладиган бўлсак, 51 фоиз интернет дегани XXI асрда бу жуда уятли ҳолат. Қозоғистонда аҳолининг интернет билан қамров даражаси 80 фоиз”, – дея таъкидлаган.

Адлия вазири ўз нутқининг давомида телевидение, радио ва электрон оммавий ахборот воситалари етарлича ривожланмаганини ҳам келтириб ўтган. “Телевидение ва радио барибир яқин келажакда энг катта ахборот тарқатувчи ресурс мақомини сақлаб қолади. Бу бўйича ҳам бизнинг муаммоларимиз бор. Чунки 34 миллион аҳолига 19 та марказий телеканал ва 14 та радиоканал мавжуд бўлиб, уларнинг 25 фоизигина ахборот етказиш билан шуғулланади. Қолганларида эса кўнгилочар мавзулар ва ҳоказо. Бошқа давлатларга қарасак, АҚШда 8 мингдан ортиқ телеканал бор. Россияда 3300та, Буюк Британияда 1000 дан ортиқ, Қозоғистонда 100га яқин, Украинада 600 дан кўпроқ телеканал бор. Шундай экан, албатта, катта бозор, ахборот муҳитида ахборот қовурилиб-қовурилиб, рақобат натижасида тўғри ва керакли маълумотлар аҳолига етиб борапти. Бу эса уларнинг онгига, билимига таъсир қиляпти” – деб қўшимча қилган.

Давлат ташкилотлари раҳбарлари, вазирлар орасида Давлат раҳбарининг улар олдида қўйган талабини тўғри тушунмаслик ҳолатлари учрамоқда. Масалан бирор ташкилот фаолиятига оид танқидий ахборот тарқалгудек бўлса, мутасаддилар бу ахборотни ОАВ орқали ёритилмаслиги чорасини кўради. Журналистга турли босимлар ўтказишга уринилади. Сўз эркинлиги, очиқлик сиёсатининг талаби бу камчиликсиз фаолият юритиш эмас, шунчаки очиқ-ойдин фаолият юритиш. Бунинг ортидан турли даражадаги коррупцияларнинг олдини олиш. Танқидий материалдаги ҳолатлар ноҳолис ёритилган бўлса, ОАВ йўл қўйган хато даражаси жамият учун зарар келтирса ёхуд теледастур қонун бузилишини содир қилса қонун олдида тегишлилигича жавоб бераверади. Давлат раҳбарининг ҳар бир ташкилотларда ахборот хизмати ташкил қиладиган, имиж масалаларига эътибор қиладиган очиқлик сиёсатида барча ташкилотлар ўз обрўсига шаффоф йўл билан, тўғри саъй-ҳаракатларни амалга ошириши билан курашади. Аммо айти пайтда айрим

давлат ташкилотлари томонидан бу талаблар тўғри тушунилмасдан қонунни четлаб ўтиш, ошкора фаолият юритмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда. Хуллас бу борада олдинда бажарилиши керак бўлган ишлар талайгина.

Интернетнинг ривожланиши ҳақида эса бугунги кун Ўзбекистон медиа оламидаги ҳолатга ижобий баҳо берган. “Интернет оммавий ахборот воситалари бўйича бизда жуда яхши жараён юз беряпти. Интернет нашрлар ва ижтимоий тармоқлар охирги тўрт йилда икки баробарга ошган. Ҳозир 630та нашримиз бор. Бу яхши, лекин дунё тенденцияларига қараганда жуда паст. Масалан, Россияда 19 минг, Украинада 12 мингдан ортиқ интернет нашрлари бор. Ёки аҳолиси биздан икки баробар кам Қозоғистонда 700 та интернет нашрлари бор. Яъни бизнинг ахборот тарқатиш нуқтаи назаридан қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп”.

Бугунги кунда информация тарқатишда нафақат интернет сайтлари балки, телеканаллардан ҳам олдинлаб бораётган “kun.uz” интернет нашри ОАВ орасида ўзининг алоҳида ва ажралмас ўрнига эга эканини таъкидлаш зарур. Ушбу информацион сайтда республикамиз бўйлаб кўлаётган жараёнлар яхши акс этмоқда. Шу билан бирга чуқур таҳлилга асосланган мавзулар, батафсил ўрганилган мурожаатлар маромига етказиб ёритилмоқда.

Дастлаб, ўз фаолиятини шиддат билан бошлаган, ўқувчилари сони юқори бўлган “daryo.uz” сайтида бугун бироз маълумотларнинг кам жойланиши ҳолати кузатилмоқда. Аммо ўқувчилар сонининг кўплиги бўйича “kun.uz” сайтидан бироз олдинда. Албатта бу жараён эълон қилинаётган ахборотнинг турига боғлиқ. Шунингдек, интернет сайтларининг телеграм ёки инстаграм, фейсбук мессенжерлари орқали ўз маълумотларини тақдим қилиб бориши ҳам ўқувчилар учун жуда қулай бўлмоқда.

Жамоатчиликнинг фикрини акс эттириш, давлат ташкилотларининг расмий муносабатларини бериш, изоҳ сўраш кабиларни аслида, мамлакатда энг катта кучга эга бўлган информацион телеканал бажариши керак. Бироқ, афсуски, “O‘zbekiston 24” телеканали фақат ҳисоботлар дастурига айланиб қолган. У ёки бу давлат ташкилоти томонидан телеканалга таъсир ўтказиш мумкин бўлиб қолди. Фақат ислохотлар, янгиланишлар, ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган “O‘zbekiston 24” нигоҳидаги давлат билан сиз-у биз кўриб турган давлатдан анча фарқли. Шу боис томошабин ягона информацион телеканалга ишонмай қўйган. Хўш, ривожланган мамлакатлар ҳам интернет билан ҳамоҳанг фаолият

юритишга уринаётган пайтда ўзбек давлат телеканаллари такомиллашиш тенденцияларидан қолиб кетаверадими? Нима учун аниқ, ишончли, турли давлат ташкилотлари томонидан назорат қилинмайдиган ахборотларни бугун томошабин давлат телеканаллари орқали ололмаяпти? Бу саволлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб, тезкор ечим топилиши керак бўлган масалалардандир. Ушбу муаммоларнинг пайдо бўлиши, йўл қўйилган камчиликлардан чиқарилган хулосалар ёш мутахассисларни ўқитиш жараёнларида ўргатиб борилиши билимли тележурналистларни етиштиришда жуда муҳим.

Умуман олганда, интернетнинг тезкорлиги, исталган жойда исталган вақтда ўқиш мумкинлиги каби жиҳатлари билан ахборот тарқатишдаги имкониятлари тенгсиз. Ва бу жараёнлар Ўзбекистонда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Томошабиннинг телевидениедан интернетга ўтиб кетиши телевидениенинг ўз ўрнини интернетга бемалол бўшатиб бераётганидан дейиш мумкин. Боиси интернет орқали аудиовизуал материаллар ҳам тайёрланмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
2. Дўстмуҳаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.25.